

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 1 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 1

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 1



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY

№1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2023-1>

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Гулямов Сайдахрар
Саидахмедович
академик

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Вохидова Мехри Хасановна
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори

ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

08.00.01 - ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ | ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ | ECONOMIC THEORY

Назаров Ш.Х. - и.ф.д.
Гафуров У.В. - и.ф.д., профессор
Мустафакулов Ш. И. - и.ф.д., доцент
Сайфуллаева М.
Маматкулов И.А.

Nanuli Khizanishvili - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics
Екатерина Геннадьевна Господарик к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

08.00.02-МАКРОИҚТИСОДИЁТ | МАКРОЭКОНОМИКА | MACROECONOMICS

Салимов Б. Т. - и.ф.д., профессор,
Назаров Ш. Х. - и.ф.д.
Худойкулов С. К. - и.ф.н. доцент,
Валиев Б. - PhD.
Сафарова Н.Н.

Зубиташвили Тамар - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

08.00.07-МОЛИЯ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. | ФИНАНСЫ. БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ FINANCE. ACCOUNTING

Жиянова Н.Э. - и.ф.н., доц.

08.00.09-ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ | МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА | WORLD ECONOMY

Мурадова Х.М. - и.ф.д., профессор
Шарифхўжаев Ш.О. - и.ф.д.

Сардор Азам - и.ф.д.
Вохидова М.Х. - PhD.

08.00.10-ДЕМОГРАФИЯ. МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ | ДЕМОГРАФИЯ. ЭКОНОМИКА ТРУДА DEMOGRAPHY. LABOR ECONOMICS. 08.00.13-МЕНЕЖМЕНТ | МЕНЕДЖМЕНТ | MANAGEMENT

Гулямов С.С. - академик
Умурзаков Б.Х. - и.ф.д., профессор,
Каршиев М.Э.

Маматкулов И.
Ғойипназаров С.Б. - PhD
Кадилова З.А. - PhD

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Nurmukhamedova B.I. THE SIGNIFICANCE OF THE STATE BUDGET IN THE IMPLEMENTATION OF THE SOCIO-ECONOMIC POLICY OF THE STATE.....	4
2. Berdieva U.A. DEVELOPMENT OF THE INSURANCE MARKET AND CREATION OF SMART INSURANCE TECHNOLOGIES IN UZBEKISTAN.....	12
3. Gulyamova G.P. FACTORS OF TOURISM SECTOR COMPETITIVENESS.....	17
4. Khamdamov B.K., Obidkhonov Kh.Kh. ACCOUNTING FOR INVESTMENT PROPERTY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS HARMONIZATION IN IFRS.....	22
5. Chinkulov K. AUTHOR'S APPROACH TO THE CONCEPT "FINANCING OF JOINT STOCK COMPANIES THROUGH STOCKS".....	29
6. Alimova S., Abdurakhmanov Sh., Kiyomova M. SOCIO-ECONOMIC PROBLEMS OF PERSONS WITH DISABILITIES IN UZBEKISTAN....	37
7. Atakhanova S.M. EFFECT OF EXCHANGE RATE ON FOREIGN TRADE.....	42
8. Saitkulov A.N. INTEREST RISK ASSESSMENT METHOD IN COMMERCIAL BANKS.....	46
9. Nazarov Sh.D. PROBLEMS AND OPPORTUNITIES OF PROVIDING MICROFINANCIAL SERVICES IN UZBEKISTAN.....	52
10. Buranov J.A. INTERACTIONS BETWEEN BANKS AND THE REAL SECTOR OF THE ECONOMY AND THEIR FORMS.....	56
11. Sultonboeva M.B. ISSUES OF STATE FINANCIAL REGULATION OF BUSINESS ACTIVITIES IN MODERN CONDITIONS.....	62
12. Tashmatova R.G. MAIN DIRECTIONS FOR STRENGTHENING THE INCOME POTENTIAL OF BUDGETS OF DIFFERENT LEVELS IN PURPOSE OF INCREASING STATE BUDGET REVENUES.....	67

Сайткулов Алхам Нуриллаевич

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ФОИЗ РИСКНИ БАҲОЛАШ УСУЛУБИЁТИ

For citation: Saitkulov Alham Nurillaevich. INTEREST RISK ASSESSMENT METHOD IN COMMERCIAL BANKS. Journal of innovations in economy. 2023. Vol. 6, Issue 1. pp. 46-51

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7894323>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тижорат банкларида фоиз рискнинг вужудга келиши ва уни баҳолаш ҳамда бошқаришнинг илмий-назарий асослари ўрганилган.

Хориж ва маҳаллий олимларнинг фоиз рискни бошқарши борасидаги илмий тадқиқотлари билан танишиб чиқилган. Шунингдек, фоиз рискни баҳолаш услубиёти билан таништириб ўтилган.

Калит сўзлар: риск, фоиз риск, актив, кредит риск, фоиз сиёсати, дивиденд сиёсати, операцион риск, риск менежмент

Saitkulov Alham Nurillaevich

Master student of the Banking and Finance
Academy of the Republic of Uzbekistan

INTEREST RISK ASSESSMENT METHOD IN COMMERCIAL BANKS

ABSTRACT

This article discusses the emergence of interest rate risk in commercial banks and the scientific and theoretical foundations for its assessment and management.

Scientific studies of foreign and domestic scientists on the opposition of interest rate risk are presented. A methodology for assessing interest rate risk has also been introduced.

Keywords: risk, interest rate risk, asset, credit risk, interest rate policy, dividend policy, operational risk, risk management

Сайткулов Алхам Нуриллаевич

Магистрант банковско-финансовой
академии Республики Узбекистан

МЕТОД ОЦЕНКИ ПРОЦЕНТНОГО РИСКА В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается возникновение процентного риска в коммерческих банках и научно-теоретические основы его оценки и управления.

Представлены научные исследования зарубежных и отечественных ученых по противопоставлению процентного риска. Также внедрена методика оценки процентного риска.

Ключевые слова: риск, процентный риск, актив, кредитный риск, процентная политика, дивидендная политика, операционный риск, управление рисками

Кириш

Мамлакатимизда банкларнинг самарали фаолиятини таъминловчи асосий омил бўлган - фоиз rischi бўйича етарлича механизмлар ишлаб чиқилмаганлиги ва такомиллашмаганлиги ҳам реал иқтисодиётга қилинаётган инвестициялар салмоғига салбий таъсир этмоқда. Бу эса, фоиз riskини бошқариш тизимини такомиллаштиришга бўлган талабни янада кучайтирмоқда. Шу сабабдан, фоиз riskининг тавсифини очиб бериш муҳим ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикамиз тижорат банклари фаолиятига таъсир кўрсатувчи фоиз riskини баҳолаш ва бошқариш борасидаги муаммолар ҳал этилишига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги ушбу муаммонинг долзарблигини белгилайди ва мавзунинг мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида танланишига асос бўлди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Тижорат банклари фаолиятига таъсири этувчи фоиз riskларини баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлардан – Э.Дж.Долан, К.Д.Кембелл, Р.Дж.Кембелл[1], П. Роуз[2], К.Рэдхэд и С.Хьюс[3] илмий асарларида тадқиқ этилган. Рус олимларидан – Е.П.Жарковская[4], О.И.Лаврушин[5], П.П.Ковалев[6], В.М.Усоскин[7] ва бошқалар.

Ўзбекистонлик иқтисодчилардан Ш.З. Абдуллаева [8], Ф.И. Мирзаев [9], А.А.Омоновларни [10] келтириш мумкин.

Тадқиқот методологияси

Тижорат банкларида фоиз riskини баҳолаш усулбўйича тадқиқ этиш учун олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Банк riskларини баҳолаш ва бошқариш усулларини хориж тажрибасида ўрганиш учун бир нечта усуллар билан танишиб чиқамиз.

Банк riskларини баҳолашнинг замонавий усуллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Риск қиймати VaR (Value at Risk) концепцияси;
2. Тарихий моделлаштириш усули (historical simulation);
3. Монте-Карло статистик тажрибаси (Monte-Carlo simulation);
4. Сенарий таҳлили (стресс-тест асосида);
5. CAMELS баҳолаш тизими;
6. GAP таҳлили.

1. Риск қиймати VaR (Value at Risk) концепцияси. Ҳозирги кунда банклар кредит, бозор ва ликвидлик riskларини аниқ эҳтимол билан ҳисобланадиган кутилаётган натижалардан максимал фарқланиш (олиниши мумкин бўлган натижаларнинг ўзгарувчанлик даражаси кутилаётган натижанинг ўртача миқдоридан қай даражада фарқ қилиниши кўрсатади) таҳлиliga асосланган VaR усули ёрдамида аниқлайдилар.

Риск қиймати олинган эҳтимол даврида содир бўлиши мумкин бўлган активлардаги портфелларнинг ўзгаришидан келадиган зарарларни акс эттиради. Қисқача айтганда, йўқотишлар $X\%$ эҳтимоллик билан P кун давомида U сўмдан ошиб кетмаслигига ишонч ҳосил

қилинади. Масалан, риск қиймати 1 кунлик учун 95% лик ишонч интервали билан 100 млн пул бирлигини ташкил этади, яъни бир кун давомидаги йўқотишлар 95% лик эҳтимол билан 100 млн пул бирлигидан ошмайди. Халқаро ҳисоб-китоблар Банки (Базель Қўмитаси) банк капиталининг етарлигини баҳолаш учун 99% эҳтимол даражасини 10 кунга тенг қилиб ўрнатган. JP Morgan кунлик балансини риск қийматида 95% эҳтимол даражаси билан эълон қилади.

Риск қиймати ҳажмини аниқлаш учун танланган интервал вақти давомида фойда ва зарарларнинг эҳтимоллик тақсимланишини билиш керак. Риск қийматини аниқлашда ишонч интервали ва вақтинчалик горизонт параметрлари ёрдамида беради. Қоидага кўра, йўқотишлар эҳтимоли 1%, 2,5% ва 5% (99%, 97,5% ва 95% ишонч интервалига мос равишда) даражада ўрнатилади. Шуни ҳисобга олиш керакки, ишонч интервали кўрсаткичи ўсиши билан риск қиймати ўсиб боради: 1% лик эҳтимол билан пайдо бўлган йўқотишлар, 5% лик эҳтимол билан пайдо бўлган йўқотишлардан юқори бўлади. Вақтинчалик горизонтни танлаш мазкур активлар билан неча марта битим тузилишига боғлиқ. Value at Risk технологияси нафақат юқоридаги рисклар, балки валюта рискларини бошқаришнинг ҳам самарали вариантларидан биридир.

2. Тарихий моделлаштириш усули. Ушбу усул имитацион усуллар қаторига киради. Унга кўра, портфелдаги инструментларнинг қиймати, унинг қийматида таъсир қилувчи бозор нархларида ва фоиз ставкаларида ифодаланиши керак. Шунингдек, жорий портфелга ўтган йилда Р давр давомида кузатилган бозор омиларининг реал ўзгариш rischi таъсир қилади. Шунинг учун жорий ўзгаришлар асосида бозор омиларининг гипотетик Р кўпайтирувчилари ҳосил қилинади.

Шу тарзда олинган гипотетик белгилар реал маълумотларга асосланади. Ушбу гипотетик белгилар билан ҳисоблаб чиқилиб, унинг жорий қиймати билан солиштирганда бозор омиллари таъсирида фойда ва зарарларнинг Р ҳажми аниқланади.

3. Монте-Карло статистик тажрибалар усули. Ушбу усулга кўра, миллионлаб бозор омиллари олиниб, улар статистик тақсимланиб чиқилади. Олинган маълумотлар портфель қийматининг ўзгаришига олиб келган фойда ва зарарлар ҳажми аниқланади. Охири босқичда портфелнинг фойда ва зарарлари аниқланиб, риск қиймати топилади.

4. Сенарий таҳлили (стресс-тест асосида). Унга кўра портфелнинг асосий кўрсаткичлари прогноз қилинади. Прогноз қилиш жараёнида ҳар бир ҳолат учун портфел қийматининг бозор омиллари (фоиз ставкаси, валюта курси, акция нархи) ўзгариши ҳақида гипотезалар тузиб чиқилади. Таклифлар асосида портфель қиймати қайта баҳоланади.

Олинган маълумотлар потенциал йўқотишлар қийматида тенг бўлади. Сенарий ёндашувида портфелни тестдан ўтказиш ҳам қўлланилади. Тестлар миқдорий ва сифат таҳлилларни ўз ичига олади. Миқдорий таҳлил макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришини аниқлаш ва уларнинг банк активларига таъсирини баҳолашга йўналтирилган.

Сифат таҳлили иккита тест вазифаларига асосланган:

- банк капиталининг йирик зарарларни коплаш имкониятини баҳолаш;

- капитални сақлаш ва риск даражасини тушириш учун банк қабул қилиши мумкин бўлган қарорларни аниқлаш.

5. CAMELS баҳолаш тизими. Банклар капитали, активлари, бошқаруви, мажбуриятларнинг сифати ва даражасининг ҳолиси баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини тадбиқ қилишни кўзда тутилган ҳолда, тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирда дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида кредит ташкилотлари фаолиятини рейтинг баҳолашнинг стандартлаштирилган тизимлари мавжуд бўлиб, улар турли давлатларда ўзига хос кўринишда ва ўзига хос услубда олиб борилади.

АҚШда 6 та компонентни баҳоловчи CAMELS рейтинг баҳолаш тизими ва кўплаб бошқа тизимлар ишлаб келмоқда.

Молиявий муассасалар устидан назорат бўйича федерал кенгаш томонидан 1979 йил 13 сентябрда расман киритилган ва инглиз тилидаги Capital, Assets Quality, Management, Liquidity (капитал, активлар сифати, бошқарув, даромад ва ликвидлик) сўзларининг бош ҳарфлари билан номланувчи CAMEL баҳолаш фаолиятига рейтинг бериш бўйича ягона агентликaro тизими юритиб келди.

1997 йил 1 январдан бошлаб унинг ўрнига молиявий ташкилотларга рейтинг ўрнатиш тизими CAMELS юзага келди.

CAMELS атамасининг ҳар бир ҳарфи қуйидаги маъноларни англатади:

C - capital adequacy, капитал етарлилиги. Капиталнинг қанча қисми кредитор ва омонатчиларни ҳимоя қила олишини ва унинг етарлилигини англатади.

A - asset quality, активлар сифати. Муаммоли қарзларнинг молиявий активларни қайтарувчанлик даражасига таъсирини баҳолайди.

M - management, бошқарув сифати. Тартибга солувчи тизим томонидан қабул қилинган қонун ва йўриқномаларга тижорат банки бошқаруви томонидан риоя қилинган ҳолда амалга оширилган ишлар натижаси ва сифатини аниқлайди.

E - earnings, даромадлилик. Банк тизими самарадорлиги ва истиқболдаги ривожланишига банк даромадининг етарлилигини баҳолайди.

L - liquidity, ликвидлик. Банк ўзининг мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга етарли даражада ликвидлиги жиҳатдан баҳолайди.

S - sensitivity to Market Risk, бозор хатарига таъсирчанлик. Фоиз ставкалари ўзгаришининг банк фаолиятига таъсирини аниқлайди.

CAMELS усулини қўллашда тижорат банклари расмий жиҳатдан 2 хил кўринишдаги: беш балли шкала бўйича алоҳида меъзонлар $q_1=C$, $q_2=A$, $q_3=M$, $q_4=E$, $q_5=L$, $q_6=S$ асосида шаклланадиган олти меъзонли баҳолаш ва беш балли йиғма $Q=CAMELS$ баҳолашга эга бўлади. Тижорат банки фаолиятини кўп меъзонли баҳолашда энг яхши кўрсаткич $q=(1, 1, 1, 1, 1, 1)$ $Q=(1 \text{ балл})$, салбийси эса $q=(5, 5, 5, 5, 5, 5)$, $Q=(5 \text{ балл})$ билан баҳоланган ҳисобланади.

Яқуний босқичда банкнинг молиявий барқарорлиги бўйича CAMELS тизими бўйича қўйилган барча баҳолар жамланади ва қуйидаги кўринишга эга бўлади:

- йиғма рейтинг 1 (мустаҳкам: 1 дан 1,4 гача);
- йиғма рейтинг 2 (қониқарли: 1,5 дан 2,4 гача);
- йиғма рейтинг 3 (ўртача: 2,5 дан 3,4 гача);
- йиғма рейтинг 4 (танқидий: 3,5 дан 4,4 гача);
- йиғма рейтинг 5 (қониқарсиз: 4,5 дан 5 гача).

CAMELS тизими билан танишиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ривожланган давлатлар банклари амалиётида кенг қўлланилиб келаётган ушбу тизимнинг тажрибаларини мамлакатимиз банк тизимига жорий қилишни давом эттириш ва уни такомиллаштириш банклар фаолиятини назорат қилиш самарадорлигининг ошишига, банк бошқарувида ҳолис баҳо берилишига хизмат қилади.

Ҳозирги кунда халқаро амалиётда тижорат банклари фаолиятида фоиз рискинни таҳлил қилиш қуйидаги молиявий инструментлар асосида амалга оширилади:

- қарз қимматли қоғозлар;
- қарз қимматли қоғозларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар;
- дивидендлар миқдори белгиланадиган конвертация қилинмайдиган имтиёзли акциялар;
- асосий активи фоизли даромад олиб келувчи молиявий инструментлар бўлган ҳосилавий қимматли қоғозлар;
- банкнинг тегишли талаблари ёки мажбуриятлари фоиз ставкалари асосида ҳисоблаб чиқиладиган шартномалар (банк кредитлари, олинган кредитлар ва қабул қилинган омонатлар ҳамда бошқа фоизли мажбуриятлар).

Базел II талаблари бўйича фоиз рисқи қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$ФР = СПР + УФР, \quad (1)$$

Бу ерда,

ФР – фоиз rischi;

МФР – махсус фоиз rischi (молиявий инструментларнинг эмитентларига боғлиқ бўлган омиллар сабабли молиявий инструментларнинг жорий қийматининг салбий ўзгариши хатари);

УФР – Умумий фоиз rischi (фоиз ставкаларининг бозор тебранишлари билан боғлиқ молиявий инструментларнинг жорий қийматининг салбий ўзгариши хатари).

Базел II талаблари бўйича махсус риск барча молиявий инструментларни урта умумий категорияга гуруҳлаш орқали баҳоланади.

1. Давлат. Ушбу категорияга, уларнинг туридан қатъи назар, марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий воситалари (векселлар, купон ҳамда дисконт облигациялари ва бошқалар) киради.

2. Қабул қилинган. Ушбу туркумга давлат сектори корхоналари томонидан чиқарилган молиявий воситалар ва бошқа юқори баҳоланган воситалар киради.

3. Бошқалар. Биринчи ва иккинчи тоифага киритилмаган барча молиявий инструменлар киритилади.

Махсус фоиз riskлари молиявий инструментларнинг жорий бозор қийматини 1-жадвалда келтирилган риск коэффициентига кўпайтириш натижасида аниқланади.

1-жадвал

Махсус фоиз ставкаси riskини коэффициент баҳолаш[6]

Инструментлар тоифаси	Қимматли қоғозлар шакллари	Риск коэффициенти, %
Давлат	Рисксиз молиявий воситалар (AAA рейтингдан AA– рейтингача)	0
	Паст riskли (A+ рейтингдан BBB– рейтингача) ва сўндирилиш муддати 6 ойгача бўлган молиявий воситалар	0,25
	Паст riskли (A+ рейтингдан BBB– рейтингача) ва сўндирилиш муддати 6 дан 24 ойгача бўлган молиявий воситалар	1
	Паст riskли (A+ рейтингдан BBB– рейтингача) ва сўндирилиш муддати 24 ойдан юқори бўлган молиявий воситалар	1,60
	Оширилган riskли молиявий воситалар (BB+ рейтингдан B– рейтингача)	8
	Оширилган riskли молиявий воситалар (B– рейтингдан паст)	12
	Рейтингга эга бўлмаган молиявий воситалар	8
Қабул қилинган	Сўндирилиш муддати 6 ойгача бўлган молиявий воситалар	0,25
	Сўндирилиш муддати 6 ойдан 24 ойгача бўлган молиявий воситалар	1
	Сўндирилиш муддати 24 ойдан юқори бўлган молиявий воситалар	1,60
Бошқа	Оширилган riskли молиявий воситалар (BB+ рейтингдан B– рейтингача)	8
	Юқори riskли молиявий воситалар (B– рейтингдан паст)	12
	Рейтингга эга бўлмаган молиявий воситалар	8

Ушбу усулнинг асосий камчилиги молиявий инструмент учун халқаро рейтингни аниқлаш заруратининг юзага келиши ҳисобланади. Рейтинг баҳосининг мавжуд бўлмаслиги

риск тоифадан қатъи назар, риск коэффицентининг автоматик равишда 8% ҳажмида ўрнатишга асос бўлади.

Шу сабабли иқтисодчи олимлар молиявий воситанинг фоиз rischi коэффицентини эмитентнинг молиявий ҳолатига қараб аниқлашни таклиф қилади. Бу ҳақдаги маълумот манбаига унинг таъсис ҳужжатлари, молиявий, солиқ ва статистик ҳисоботлар, риск мавжудлигини кўрсатадиган бошқа маълумотлар қиради.

Хулоса

Яратилган бўшлиқни бартараф этиш узоқ муддатли саъй-ҳаракатларни талаб қилади, бу мавжуд вазиятни такрорлайдиган аёвсиз доира билан боғлиқ. Иқтисодиётнинг реал секторидаги ташкилотларнинг қониқарсиз ҳолати уни яхшилаш учун йирик банк кредитларини талаб қилади ва саноат корхоналарининг аҳволи ёмонлиги сабабли кредитларни ишлаб чиқаришга йўналтириб бўлмайди. Шунга қарамай, инсон ва жамият учун кадрли бўлган товарлар ҳамда хизматлар ишлаб чиқарувчи саноат корхонаси ислоҳ қилинган иқтисодиётнинг устувор ва асосий объекти сифатида кўриб чиқилиши керак, аммо айнан шу корхона "корхона-банк" тизимидаги "энг заиф бўғин" бўлиши мумкин.

Шундай экан, банк энг кучли ҳамкор ва шу билан бирга ҳаётнинг муҳим, лекин иккинчи даражали функцияларини, молиявий барқарорликни таъминлаш ва реал секторни ривожлантириш функцияларини бажарувчи ҳамкор сифатида, бир томондан, бизнесни ривожлантиришда ташаббускор ролини, саноат ишлаб чиқаришининг тикланиши ва ривожланиши, иккинчи томондан, тўпланган муаммоларнинг аксарият қисмини ўз зиммасига оладиган "лангар" ролини ўйнаши керак.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Долан Э.Дж., Кембелл К.Д., Кембелл Р.Дж. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика: Пер. с англ./ Под ред. В.Лукашевича. – М.: Издательство АНК, 1996. – 448 с.
2. Питер Роуз. Банковский менеджмент. Пер. с англ. Со 2-го изд. - М.: «Дело Лтд», 1997. - 768 с.
3. Рэдхэд К., Хьюс С. Управление финансовыми рисками. М.: ИНФРА-М, 1996.
4. Жарковская Е.П. Банковское дело. -М.: Омега-Л, 2006. -452 с.
5. Лаврушин О.И. и друг. Банковские риски: учебное пособие.-М: КНОРУС, 2008. -232 с
6. Ковалев П.П. Риск концентрации портфеля// Банковское кредитование. -м.: 2007, № 4. 26-29 с.
7. Усокин В.М. Современный коммерческий банк. Управление и операции. – М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. – с. 263-267.
8. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. – б. 124-187
9. Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. -Т.: Молия, 2006. -135 б.
10. Омонов А.А. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. -Т.: "Fan va technologya", 2008. -248 б.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 1 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 1

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000